

Туркий тилларда олмош суз туркуми

(Узбек ва киргиз тиллари мисолида)

Маълумки, бошка тиллар каби узбек ва киргиз тилларида олмошлар от, сифат, сон, равиш урнида келувчи сузлардир.

«Олмошлар конкрет маъно билан умум - мавхум (абстракт) маънонинг алмашиниб кулланишини характерловчи сузлардир».[1] «Ат атоочтун негизги миңнөздеш ёзгөчөлшгүш - мааниси абстракттулугу жана жалпылыгы».[2]

Узбек тилида олмош – алмашиш маъносини беради, яъни бошка туркум суз урнида келади, киргиз тилида хам предмет өки унинг белгиларини атамай уларни курсатадиган суз хисобланиб, куйидаги тупларга булади:

Кишилик олмошлари (жактама ат атооч)

Курсатиш олмошлари (шилтеме)

Сурок олмошлари (сурама)

Булишсизлик олмошлари (танғыч)

Белгилаш олмошлари (аныктама)

Гумон олмошлари (белгисиз)

Демак, киргиз тилида олмошларнинг олти тури мавжуд экан.

Узбек тилида юкорида кайд этилган олмошлардан ташкари узлик олмош тури ажратилади (узлик олмоши) ва алохида тур катори тахлил килинади; киргиз тилида эса узлик олмоши алохида тур катори олинмайди – улар белгилаш олмошларининг бир кисми булиб тахлил килинади. (Бу хакида белгилаш олмошлари булимида фикр алмашамиз).

Киргиз ва узбек тилларида олмошлар турланади. Киргиз тилида олмошлар оддий ва мураккаб турланишга эга.

Олмош суз турқумидаги ухшашлик ва факларини аниқлаш максадида биз икки тилдаги олмошларни турлари буйича куриб чикишини лозим топдик.

Кишилик олмошлари

Бу олмошлар кишини англатадиган сузлар урнида ишлатилиб, соф кишилик олмошлари ва кишилик – курсатиш олмошларига булинади: Икки тилда кишилик олмошлари нутқда III шахсдан бирiga оид эканлигини билдиради.

| бирлик | куплик | гурухи | |
|-------------|--------|-----------------------|-----------------------|
| I Узбекча | мен | биз | соф кишилик олмошлари |
| Киргизча | мен | биз | |
| II Узбекча | сен | сиз | соф |
| Киргизча | сен | a) силер б) сиздер | кишилик олмошлари |
| III Узбекча | у | улар | кишилик- |
| Киргизча | ал | алар | курсатиш олмошлари |

II шахс сен – сиз (бирлик) силер, сиздер (куплик) II шахснинг «сылъик» тури деп аталиб, хурмат маъносини билдиради ва бирликда кулланади. Узбек тилида хам II шахс, бирликда – сиз хурмат маъноси англатади. Жадвалдан куриниб турибдики, I, II шахс кишилик олмошлари узбек тилида хам бир хил (II шахснинг күшимчаларини хисобга олмагандан) сузлар билан ифодаланган.

III шахсда бироз фарқ бор. У –*лар* – *ал* – *алар*. Икки тилда хам кишилик олмошлари турланади. Киргиз тилида кишилик олмошлари 2 хил - оддий ва мураккаб усулда турланади.

Оддий турланишда айрим кишилик олмошлари асосида узгариш руй бермайди.

Киргиз ва узбек тилларидаги кишилик олмошларида умумийлик ва хусусийлик куйидаги таснифда кузга яккол ташланади:

Икки (оддий, мураккаб) турланишни киёслаймиз:

- Оддий турланишда 2 тилда хам асосда хеч кандай фонетик - морфологик узгариш йук.

- Мураккаб турланишда охангдошлиқ конун - коидасига кура киргиз тилида караткич (илик) келишигигида (-ын, -ин): жуналиш (барыш) келишигигида (-а): тушум (табыш келишигигида (-ы, -и) келишик күшимчалари узгаришга учрайди.[3]

Узбек тилида хам караткич (- н), тушум (-н) келишиклари аффикси тушиб колади. Олим Ш. Рахматуллаев узининг рисоласида юкоридаги фикрга карши чикади: «Узбек тилида мен, сен олмошларига караткич ва тушум келишикларининг аффикси күшилганида катор келган – икки н – товушидан бири тушиб колади деган изоҳ мавжуд... Аслида эса хеч кандай товуш тушиши воне булмайди, балки бу ерда караткич ва тушум келишикларининг аффикси – инг, -и шаклида күшилади».[4]

Шунингдек, олим «... у олмошига жуналиш, чикиш, урин келишикларининг аффикси күшилганда – ун шаклида булади... аслида эса -н товуши узбек тилида асоснинг узиники: -ул -ун. Куринаники, асос таркибидаги -л товуши -н товушига алмашган, холос. Бу товуш асли факат бош келишикда катнашмайди, бошка барча келишикларда катнашади...» деб таъкидлаши хозирги киргиз адабий тилидаги кишилик олмошларининг мураккаб турланиши хакида И.Абдувалиев, Т.Садиковлар таснифига мос келади.

Бу олмошлар хакида куйидагича хulosага келамиз:

-Кишилик олмошлари нутқда III шахсдан бирига оид эканлигини билдиради. Икки тилда хам кишилик олмошлари турланади.

-Узбек тилида киргиз тилидан фаркли уларок турланишнинг оддий өки мураккаб эканлигини ажратилмайди. Холбуки, киргиз тили сингари узбек тилида хам олмошлар турланганда асосда ва күшимчаларда айрим узгаришлар руй беради.

-Киргиз тилидаги сингари узбек тилида хам кишилик олмошларида хурмат маъноси кулланади: сен – сиз, өки аксинча, II шахс бирлик олмоши куплик аффикси билан ишлатилиши мумкин (сен -лар), бунда купчиликни сенлаш маъноси ифодаланади.

Кейинги холат киргиз тилида учрамайди.

-Кишилик олмошлари икки тилда сон ва өзилиш жихатидан бир хил курсаткичга эга.

-Кишилик олмошлари иккала тилда хам соғ кишилик олмошларига ва кишилик курсатиш олмошларига булинади.

Курсатиш олмошлари

Киргиз тилида куйидаги олмошлар курсатиш олмошлари хисобланади: *бу – бул, ушу – ушул, ошо – ошол, тиги – тигил, тетиги, тээтигил*. Бу олмошларга узбек тилида мукобиллари: *бу – бу, ал – у, шу, ошо – уша, тиги – анави: тетиги ва тээтигил олмошига мукобил* олмошлар узбек тилида мавжуд эмас.

Киргиз тилида курсатиш олмошларининг нутқда тулик өки киска шаклда келиши курсатиш олмошларининг характерли хусусиятларидир. Курсатиш олмошлари макон хамда вакт тушунчалари маъноси билдирган икки компонент асосида уюшилади.

Икки тилда хам курсатиш олмошлари деярли бир хил синтактик вазифаларни бажаради: *Тороқул райондо иштейт, демек ошонун каты биринчи келиши керак эле (ошонун-аниковичи). Туракул районда ишлайди, демак ушанинг хати биринчи келиши керак эди (ушанинг – аникловчи).*

Курсатиш олмошлар ичida тигил, тээтигил олмошлари бошка курсатиш олмошларидан фарқ килади: улар сузловидан йирок, лекин кузга куриниб турган нарсани курсатиш учун кулланади. Буларнинг асоси тигил (анави) булиб – тээ – хамда – те – аффиксларни масофани янада узокрок эканлигини курсатиш, билдириш, таъкидлаш учун хизмат килади (узбек тилида бундай маъно изохловчи аффикслар йук).

Тиги китепти узатып койчу!...

Анави китобни бер.

Тетиги айылда карындашым жашайт.

Анави кишилекда синлим яшайди.

Тээтигид тоонун артында намаз ташы бар.

Анови тогнинг ортида номоз тоши бор.

Айрим вактларда «тетигил» олмоши урнида – «береги» сузи кулланилиши кузатилади.

Киргиз тилида курсатиш олмошлар куйидагича турланади:

1. Ушалар - ошолор

анавилар - тигилер

Жондомолор

| | | | |
|--------------------------------|----------------|------------------|---------------|
| Бош – атооч ушалар - | ошолор | анавилар | - тигилер |
| Караткич – илик ушалар – нинг- | ошолор - дин | анавилар- нинг - | тигилер - дин |
| Жуналиш - батыш ушалар - га | - ошолор - го | анавилар - га - | тигилер - ге |
| Тушум - табыш ушалар – ни | - ошолор - ду | анавилар - ни - | тигилер - ди |
| урин - жатыш ушалар - да | - ошолор - до | анавилар- да - | тигилер - де |
| Чикиш - чыгыш ушалар – дан | - ошолор - дон | анавилар - дан - | тигилер - ден |

2. Бу - бул

анави - тигил

| | | | |
|----------------------------|-----------|----------------|-------------|
| Бош – атооч бу - | бул | анави - | тигил |
| Караткич - илик бу - нинг- | мун - ун | анави - нинг - | тигин - ин |
| Жуналиш - батыш бу - нга - | мун - а | анавин - га - | тигин - е |
| Тушум - табыш бу - ни - | мун - у | анави - ни - | тиги - ни |
| урин - жатыш бун - да - | мын -да | анавин - да - | тиги - нде |
| Чикиш - чыгыш бун - дан- | мын - дан | анавин - дан - | тиги - нден |

Биринчи турланишда караткич (илик) келишигига, жуналиш (барыш) келишигига, урин – пайт (жатыш) келишигига, тушум (табыш) келишигига, чикиш (чыгыш) келишигига (хуллас, бош келишикдан ташкари) аффиксларнинг узгаришини кузатамиз.

Иккинчи турланишда:

Биринчи олмош – «бул» («бу» олмоши) – бош келишикдан ташкари колган келишикларда узгариши кузатилади. Асоснинг биринчи товушида б – м: иккинчи товушида у – ы: учинчи товушида – л – н – г каби узгаришлар руй беряпти. Иккинчи олмош – «ошол» (уша олмоши) бош келишикдан ташкари, колган барча келишикларда узгариши кузатилади.

Асоснинг биринчи, иккинчи, учинчи товушларда узгариш йук. Асоснинг туртинчи товушида – н – г узгариш руй беряпти. Учинчи олмош – тигил («анави» олмоши) бош келишикдан ташкари барча келишикларда узгариб келади. Асоснинг биринчи, иккинчи, учинчи, туртинчи товушларида фонетик узгариш йук. Асоснинг бешинчи товуши – л – «илик» келишигидаги – н: «барыш» келишигига – г товуш булиб алмашмокда – л – н – н.

Демак, от характеристидаги курсатиш олмошлари икки тиlda хам турланади. киргиз тилида турланиш оддий ва мураккаб булади.

Сурок олмошлари.

Киргиз тилидаги сурок олмошлари куйидагилар : *ким* (*ким*), *нима* (*эмне - не*), *кандаи* (*кандаи*), *кайси* (*кайсы*), *канча* (*канча*), *неча* (*нече*), *каөкдан* (*кайдан*), *качон* (*качан*), *каөкка* (*кайда*). *ва б.*

Сурок олмошлари маъно муносабатига кура бир канча турга булинади:

1- туп. *-ким?* *эмне, не?* – маъно муносабатига кура отга якин булган олмошлар. Бу олмошлар сон, эгалик, келишик, шахсда узгаради. Турланишнинг биринчи – оддий турланиш шаклини олади.

2-туп. Сифат миңнөздүүцүү олмошлар: *кандаи*, *кайси*. Бу олмошлар отлашганда узбек тилидагидай узгаради: *кандаайча* (*кандаайча*), *кайсисиники* (*кайсынысыныкы*) каби.

Сифат характеристидаги олмошлар узи кулланганда хеч кандай күшимчча олмайди:

3- туп. Сон миңнөздүүцүү олмошлар: *канча* (*канча*), *неча* (*нече*). Узбек тилида хам *канча*, *неча* олмошлари сон характеристидаги олмошлар хисобланиб, бу олмошлар 1) тартиб соннинг – *инчи* (*ынчы*) күшимчасини олади: *канчанчи* (*канчанчы*), *нечанчи* (*нечанчы*). Айрим пайтларда келишик күшимчалари билан турланган холатлари хам учрайди:

Канчасини жунатиши керак? (Ч. А.)

Канчасын кетириши керек? (Ч. А.)

2) жамловчи соннинг (*ов*) күшимчасини олади: *канчоо*, *нечөө*. Узбек тилида бундай куриниш учрамайди.

Окуучулардан канчоосу медициналық текшерىщөн өтищптишр?

Укувчилардан канчаси медицина куригидан утибди?

4- туп. Равиш миңнөздүштүрмөлмошлар: каөкда (кайда), каөкдан (кайдан), кани (кана). Кана олмоши узбек тилидаги кани олмошининг мукобили булиб бу олмошлар икки тилда хам уринга булган сурок муносабатини билдиради:

Кана, айтчы, качан мектепке бардыъ?

Кани, айтчи, качон мактабга бординг?

Юкорида берилган *кайда* ва *кайдан* олмошларига мукобил олмош узбек тилида мавжуд эмас. Аксинча, узбек тилидаги *нечук* сурок олмошининг киргиз тилида мукобили йук.

Белгилаш олмошлари.

Икки тилда хам белгилаш (киргиз тилида бу олмошлар аныктама деб юритилади) олмошлари мавжуд булиб, киргиз тилида бу олмошлар маъносига кура уч гурухга булинади:

1. Жандама ат атоочтор (жамлаш олмошлари): башт (хамма), баштшн (бутун), башткшл (буткул), бардык (барча), баары (бари).

2. Жектеме ат атоочтор (соф белгилаш олмошлари): ар ким (хар ким), ар нерсе (хар нарса), ар кандай (хар кандай), ар бир (хар бир), ар кайси (хар кайси).

3) Өздешк ат атоочтор (узлик олмошлари).

Киргиз тилида өз (уз) олмоши белгилаш олмошлари каторида келиб, бошка туркумдаги айрим сузларининг ясалишига асос булади ва белгилаш олмошлари орасида эгалик, келишик хамда сон аффикслари билан турланган фаол тури деб кайд этилади: «Аныктама ат атоочтордун ичинен морфологиялык жагынан өншккөнш - өз. Бул атооч жөндөлөт, жак миңчөлөр менен өзгөрөт, көптешк миңчө менен жалганат».¹

Өз (уз) олмоши өлгиз узакдан иборат булса, келишик аффиксларини олмайди. Бу олмош эгалик аффиксларидан кейингина аффикс олиши мумкин.

Икки тилда хам өз (уз) олмоши мустакил келгандан турланади: эгалик, келишик аффиксларини олади:

| | киргиз | узбек | киргиз | узбек |
|----------|--------|-------|--------|---------|
| | Бирлик | | куплик | |
| 1- шахс | өзшм | узим | өзшбшз | узимиз |
| 2- шахс | өзшъ | узинг | өзшъшз | узингиз |
| 3 - шахс | өзш | узи | өздөрш | узлари |

Бош к. өзшм өзшъ өзш узим узинг узи
Караткич к. өзшмдшн өзшъдшн өзшншн узимнинг узингнинг узининг
Жуналиш к. өзшмө өзшъө өзшъш узимга узингта узига
Тушум к. өзшмдш өзшъдш өзшъш узимни узингни узини
Урин пайт к. өзшмдш өзшъдш өзшъдш узимда узингда узида
Чикиш к. өзшмдшн өзшъдшн өзшъшн узимдан узингдан узидан
Турланишини кузатамиш:

1. Атооч (бош) – I – III шахсда 0 курсаткичга эга;
2. Илик (караткич) – киргиз тилида I – II шахсда – д - шъ; III шахсда эса булса- ун; узбек тилида - нинг;
3. Барыш (жуналиш) – киргиз тилида I – III шахсда –ө; узбек тилида – га;
4. Табыш (тушум)- киргиз тилида I – II шахсда – д- у; III шахсда 0 курсаткичига эга; узбек тилида – ни;)
5. Жатыш (урин - пайт) – киргиз тилида III шахсда да тенг – да; узбек тилида – да.
6. Чыгыш (чикиш) келишигида киргиз тилида I – II шахсда – д – өъ, III жакта – өн; узбек тилида – дан аффиксини олиб турланяпти.

Узбек тилида сингари киргиз тилида хам уз (уз) олмоши бош ва иккинчи даражали булак вазифасида кела олиши кузатилади:

Окуянын тереъ бурулушуна өзиң себепчимин. (Ж. Б.)

Вокеанинг бу тарзда тескарига айланишига узим сабабчиман. (Ж. Б.)

Киргиз тилида *бىت*, *бىتىң*, *бىتكىل* олмошлари отлашмайды, аффикс олмайды. *Бардык* (*барча*) олмоши эгалик аффикслари билан турлангандан кейингина келишик аффиксини олади. *Баары* (*бари*) олмоши мураккаб усулда турланади:

Киргиз тилида

Узбек тилида

| | | |
|--------------|----------|-------------|
| Бош к. | баары | бари |
| Караткич к. | баарынын | баримизнинг |
| Жуналиш к. | баарына | бариға |
| Тушум к. | баарынын | барини |
| Урин пайт к. | бaryнда | барида |
| Чикиш к. | баарынан | баридан |

Турланишни кузатамиз. Илик (караткич) ва барыш (жуналиш) келишиги аффиксларининг биринчи ундоши (- нын – ын тарз�다), (га – а тарзда) тушиб колган. Табыш (тушум) келишиги аффиксини олганда аффикс 0 курсаткичга эга болади.

Чыгыш (чикиш) келишиги аффиксини олганда эса -д тушиб колади. Куриб турибмизки, *баары* сузининг узбек тилида турланиши оддий турланишдан фарк килади.

Баары, *бардыгы* сузлари эгалик аффикслари билан тулик турланмайды. I-II шахс бирлик ва III шахс куплик аффиксини олмайды:

Киргизча

Узбекча

| | Бирлик | куплик | бирлик | куплик |
|-----|--------|---------------------------|--------|--------------------------------|
| I | - | барыбыз, бардыгыбыз | - | баримиз, барчамиз |
| I | - | баарыъыздар, баардыъыздар | - | барингиз, барчангиз |
| III | - | баары, бардыгы | - | бари, барчаси, бариси, барчаси |

Гумон олмошлари

Икки тилда хам гумон олмошлари, сурок олмошлари асосида хосил булган. Киргиз тилида гумон олмошлари белгисиз олмошлар деб аталади, икки компонентдан турган суздан иборат; уларнинг бири сурок олмошлари булса (*кандай*, *кайси* ва бошкалар), иккинчиси *бир* сони хамда *алда* ва *нерсе* сузларидир, масалан: *кээ бир*, *кайсы бир*, *кандайдыр бир*, *алда ким*, *алда эмне*, *алда не*, *бир нерсе*, *бир неме*, *бирдеме*, *бирөө*.

Узбек тилида гумон олмошлари сурок олмошларининг олдидан *алла* морфемаси өки сурок олмошларидан кейин –дир юкламасини кушилишидан хосил булган: *алланума*, *аллаким*, *аллакандай*, *кандайдыр*, *кайсидир*, *нимадир*.

Узбек тилидаги *алла* элементи киргиз тилида *алда* сузи билан ифодаланади ва сурок олмошлари билан бирга келиб гумон олмоши ясади; узбек тилидан фаркли уларок айрим гумон олмошлар ажратиб өзилади.

Өзилиши жихатидан *алда* сузи билан ясалган гумон олмошлари фарк килади. Бошка гумон олмошлари, масалан, *кандайдыр*, *эмнегедир* *бирдеме*, *бирдемке* каби олмошлар узбек тилидагидай кушиб өзилади; *бир* сузи оркали ясалган олмошлар эса алохida өзилади.

Хулоса килиб айтганда юкорида куриб чикканимиз, узбек ва киргиз тилларидаги олмош мавкеи деярли бир хил, фаркли жихатлари булса уларнинг вокеалашувига boglik деб хисоблаш мумкин.

Адабиётлар

- Ш. Шоабдурахманов ва бошкалар. Хозирги узбек адабий тили -Т.: 1980 – Б. 280 – 291.
- Кыргыз тилинин грамматикасы. (Морфология). Жогорку окуу жайларынын филология факультеттеринин студенттерине арналган окуу китеби. –Фрунзе: Кыргызокуупедмамбас, 1964. - Б. 149 – 150.

3. И. Абдувалиев., Т. Садыков Азыркы кыргыз тили. Морфология. Бишкек. 1997 – Б. 137-138.
4. Давлетов, С. Кудайбергенов Азыркы кыргыз тили. Морфология. –Ф.Мектеп.1980. –Б.131.

* * *